



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 7-МАЙ, №18 (1215)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Инсонга ҳар куни тинчлик ва хотиржамлик керак. Тинчини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик — тараққиёт гарови.

Биз азалдан тинчликсевар халқмиз. 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб, ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган ота-боболаримизни эслаб, уларнинг хотирасига хурмат бажо келтириб келаётганимизнинг замирида ҳам айнан мана шу эзгу мақсад ётибди.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан минглаб ватандошларимиз иштирок этди, кўплари жангдошлардан ногирон бўлиб қайтди, анчаси навқирон ёшида мардларча ҳалок бўлди. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб ҳисса қўшган, фронт ортида меҳнат қилган захматкаш халқимизнинг хизмати ҳам асло унутиб бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунларданок тинчлик-тотувлик тарафдори бўлди, мана шу эзгу ният билан дунё сахнига чиқди. Шунга қўра 9 майни 1999 йилдан бошлаб Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келамиз.

Давоми 2-бетда



Тарих гувоҳ, инсоният ҳаёти фақат яхши кунлардангина иборат эмас. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳам ўз бошидан суронли ва таҳликали кунларни кўп ўтказган. Миллатимизнинг биз фахрланиб юрадиган буюклиги ҳам шундаки, у доимо синовли кунлардан ёруғ юз билан ўтган. Ана шундай дамлардаги тобланиш халқимизга енгилмас матонат, сабр ва мислсиз куч-қудрат ато этган.



Нигматилла Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

ХАЛҚИМИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

Ҳеч шубҳасиз, шу кунларда элимиз бошига тушган синовли кунлар, хусусан, турли офатлар асоратларини ҳам давлат ва халқ ҳамжихатликда, шараф билан енгиб ўтади.

Нафақат юртдошларимиз, балки дунё ахли ҳам самимий эътироф этаётганидек, Сардобадаги фавқулодда ҳодисада Ўзбекистон давлатининг ўз халқига ғамхўрлигининг ёркин намунасини кўрсатди. Давлат раҳбарининг ўзи ҳодиса рўй берган соатлардаёқ бевосита жойига чиқиб, аввало одамларнинг соғлиги, ҳаёти ва тақдири ҳақида қайғуриши таҳсинга лойик.

Президентимизнинг Сардобадаги сув омборидан сув тошган пайтдаёқ ушбу ҳудудга етиб боргани, шу куннинг ўзида фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни белгилаб бергани, то вазият тўлиқ назоратга олингунга қадар ҳудудни тарқ этмагани, жабрланганларнинг ҳолидан хабар олгани инсонийликнинг олий намунасидир.

Ўз раҳнамосининг фидоқорлиги, эл-юртга ғамхўрлиги ва саховатидан рухланган ватандошларимиз Сирдарё ахли билан бирдамлигини намойён этмоқда. Деярли ҳар соатда мамлакатимизнинг у ёки бу ҳудудидан Сирдарёга беғараз ёрдам жўнатилаётти.

Ҳатто айрим ҳудудларда тўпланган саховат юклари олдидан тайёрлаб қўйилган автомобилларга сиғмаётти ва қўшимча автокарвонлар жалб этилмоқда. Бу жараёнлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ҳам кўплаб маълумотлар тарқатилмоқда.

Дарҳақиқат, биз Сардобада юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси аъзоси сифатида халқимизга хос бундай ҳамжихатлик, ўзгалар ҳақида қайғуриш, бировнинг мусибатини ўзиники каби қабул қилиш ва ёрдам учун борини аямаслик каби эзгу хислатлар намойишининг бевосита гувоҳи бўлмоқдамиз.

Сирдарёликларнинг дардига малҳам бўлаётган барча саховатпеша юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Бундай хайрли ишларга фуқаролар, тadbиркорлик субъектлари, барча давлат тузилмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар бирдай ҳисса қўшаётгани эса жамиятдаги мустаҳкам бирдамликнинг ифодасидир.

Шуни маълум қиламизки, улар жўнагаётган озик-овқат ва бошқа зарурий маҳсулотлар ўз вақтида, катъий назорат остида эҳтиёжмандларга етказиб берилмоқда.

Хусусан, 4 майгача йиғилган 162 тонна ун, 63 минг литр ўсимлик мойи, 108 мингта тухум, 58 тонна шакар, 212 тонна гуруч, 43 тоннадан зиёд гўшт, 40 та қорамол ва 100 та қўй, қарийб 330 тонна сабзавот, шунингдек 32,5 тоннадан зиёд бошқа маҳсулотлар, кийим-бош, кўрпа-тўшак, гигиена воситалари ва ҳар хил рўзгор буюмлари аҳолига тарқатилмоқда.

Давоми 2-бетда



2020 йил 6 май
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар
2231 нафар



Соғайганлар
1577 нафар



Вафот этганлар
10 нафар

ХАЛҚИМИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Инсонпарварлик ёрдами доирасида зарур озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар келиши давом этмоқда.

Алоҳида қайд этиш жоизки, офатдан жабр кўрганлар қарда вақтинчалик жойлашганидан қатъи назар – хонадонлар бўладими, мактаб ва коллежлар биноси каби ижтимоий объектлар бўладими, уларнинг бирон-бир нарсасага муҳтож бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир инсоннинг давлат ва жамият кўрсатаётган эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни бажариш мақсадида Бош прокуратурада махсус штаб, фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш бўйича гуруҳлар иш бошлади.

Штабнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда кўмаклашиш; эвакуация қилинган аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий химоя ва гигиена воситалари, ётоқ анжомлари, шунингдек, кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлашни ташкил этиш; фавқулодда ҳодиса рўй берган ҳудудларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги ҳамда тегишли мол-мулклар муҳофаза қилинишини назоратга олиш; жабрланган фуқароларнинг муурожаатлари тезкорлик билан кўриб чиқишини ҳамда уларда кўтарилган масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш; аҳоли



орасида ёлгон, нотўғри маълумот ва хабарлар ҳамда саросима тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилади.

Ишчи гуруҳлар эса ижти-

моий-иқтисодий ҳамда кишлоқ хўжалигида вужудга келган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бир сўз билан айтганда, прокуратура органлари офатдан

зарар кўрганларнинг ҳар қандай муаммосини тезкорлик билан ҳал этиш, уларга зарур озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг ўз вақтида, тўлиқ етказилишини қатъий назоратга олган.

АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ – МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ҳар йили мана шу сана олдида Президентимизнинг махсус фармони эълон қилинади. Унда Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт ортида меҳнат қилган жафокаш халқимизга хурмат бажо келтириш, юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида камол топтириш ҳамда бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлаш кўзда тутилади.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги хиёбонга генерал Собир Раҳимов ҳайкали ўрнатилиши ҳам тарихий ҳақиқатнинг тикланиши бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 25 июнь куни мазкур ҳудудда бўлиб, у ерда Ғалаба боғи қурилиши бўйича топшириқ берган эди. Шу асосда боғ концепцияси ишлаб чиқилди. Унда ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати, фронт ортидаги буюк иродаси ва саботи акс эттирилган бўлди. Бугун мазкур боғда қизғин иш кетмоқда.

Боғни барпо этишда Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа, Ташкил ишлар, Ички ишлар, Маданият вақарилқлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фанлар академияси, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон бадиий академияси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг тақлиф ва тавсиялари асосида иш олиб боришмоқда.

Ғалаба боғининг концепцияси билан яқиндан танишиш жараёнида беларуслик мутахассисларнинг фикри ҳам инобатга олинди. Улар ҳам боғда барчага бирдай қулайлик яратиш учун тақлиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Таъкидлаш керакки, боғ ҳудудида «Шон-шараф» музейи ҳам бунёд этилмоқда. У ердан Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ўзбекистонликлар ҳақидаги маълумотлар (видео, газета, сурат ва бошқа материаллар) ўрин олапти. Ғалаба боғи концепциясини яратиш вақтида бир қатор давлатларнинг шу турдаги боғлари, хиёбонларининг лойиҳалари ўрганиб чиқилди.

Боғнинг турли бурчаклари миллий анъаналаримизга мос айвоқлар ҳамда интерактив маълумотлар улашувчи за-

монавий электрон қурилмалар билан жиҳозланмоқда. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ғалабага эришган 35 давлатнинг байроқ, герб ва хариталаридан иборат махсус майдончалар ҳам барпо этилапти. Тарихий муҳитни яратиш мақсадида ҳарбий музикалар жаранглаб, уруш даврига оид маълумотлар янграб туради.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати ва ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яқинда Россия Федерацияси бош ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшган, мислсиз жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатган халқимизнинг ардоқли ўғлини генерал-майор Собир Умар ўғли Раҳимовнинг Россия Мудофаа вазирлиги марказий архивида сақланаётган шахсий йиғмажилдиди зарур ҳужжатлардан нусхалар олинди, тўплам ҳолида мамлакатимизга келтирилиши ҳам муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Тўпламнинг ноёблиги шундаки, ундаги ҳужжатлар генерал-майор Собир Раҳимовнинг ҳаёти ва фаолиятига доир юртимиздаги тарихий материалларни янги маълумотлар билан бойитилади.

Шу нуқтаи назардан, бу қаҳрамон аждодимизнинг тарихини чуқур ўрганишга имконият яратиш мақсадида мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан Ғалаба боғи ҳудудидаги «Шон-шараф» музейига жойлаштириш учун ишчи гуруҳга топширилди.

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

Шунингдек, ҳарбий прокуратура Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда бу машғум урушда Навоий вилоятидан қатнашган ва айни пайтда тинч ҳаёт гаштини сураётган 28 нафар ветераннинг ҳаёт йўли ва жасорати ҳақида ишончли маббалар, архив ҳужжатлари ҳамда турли йилларда матбуотда ёритилган материаллар асосида китоб чоп этиш арафасида турибди. Бундай тадбирларни бошқа ҳудудлар бўйича ҳам амалга ошириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳозирги कोरोनाвирус пандемияси шароитида жорий этилган карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда уруш фахрийлари, шунингдек ҳарбий прокуратура тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, пенсияга чиққан фахрийлар, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш, зарур озиқ-овқат, дори-дармон, никоблар, шахсий гигиена ва антисептик воситалар ҳамда совғалар улашиш каби хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, хизмат вазифини бажариш чоғида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ёки ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларга асосий турдаги озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бегараз етказиб берилаяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, фидоий инсонларни эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Уларнинг жасорати бизни ватанимизга, халқимизга садоқат ва мактабдан хизмат қилишга чорлайди. Зеро, инсон азиз, хотира боқийдир.



УЛАР ҲАР ҚАНЧА ЭЪЗОЗГА МУНОСИБ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига солган кулфатларни эсласак, кишининг қалби аламдан титрайди. Фашизмга қарши курашган мард ўғлонларга хурматимиз ортади. Уларнинг ҳикояларини тинглаб, тинчлик нақадар бебаҳо неъмат эканлигини англаймиз.

Урганчлик Жобберган ота Қаландаров ана шундай – ўз ёшлигини тинчлик йўлида қурбон қилган қаҳрамонлардан бири. Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони уруш қатнашчисини ниҳоятда тўлқинлантирди.

– Уруш қатнашчиларига 10 миллион сўмдан мукофот белгилангани бизнинг ҳаётга меҳримизни, яшашга иштиёқимизни оширди, – дейди отахон. – Очиғини айтишим керак, бизни унутиб юборган даврлар ҳам бўлган. Бир парча табрик хати билан алданганмиз. Президентимиз бизни қадрламоқда. Бу ёшлар учун ҳам ибрат. Тинчликнинг қадрига етиш кераклигини, оталар жасоратини

унутмасликни ўргатади.

Жобберган ота уруш йилларини кўзда ёш билан хотирлайди:

– 1942 йил сентябрда 19 ёшимда урушга кетдим. Украина фронтда хизмат қилдим. Беларусь, Латвия, Литвада жанг қилдик. Қанча дўстларим жанг-гоҳларда қолиб кетди.

Уруш хотираларини ёдга оларкан, отахон ўша кезлари ҳеч кимга осон бўлмаганини айтади.

– Ёш бошимиз не-не суронли кунларни кўрмади дейсиз. Польшага яқинлашиб қолгандик. Мени бир қишлоққа разведкага юборишди. Қишлоқдаги биринчи уйнинг эшигини тақиллатдим. Бир онахон эшикни очди. «Бабушка, здесь немцы есть?» деб сўради. Она-



хон кўрсаткич бармоғини лабига текказиб «жим» ишорасини қилди. «Уйим тўла немис, қўшнилариликда ҳам шу аҳвол, тез яширин, қўриб қолишмасин» деди. Шу орада эшикка немис офицери яқинлашди. Онахондан нима гаплагини сўради. «Қўшнимнинг боласи сут сўраб чиқибди» дея жавоб қилди кампир. Мен эса эшик орқасида яшириниб турдим. Гуруҳимизга эсон-омон қайтиб, вазият ҳақида хабар бердим. Шу жангдаги ғалабамиз учун мени «За отвагу» медали билан тақдирлашди.

Ҳа, улар ҳар куни ўлим билан юзма-юз келишди. Қон тўкиб, қон кечиб ғалаба сари одимлашди.

Урушдан сўнг Жобберган Қаландаров узок йиллар ўқитувчилик қилди. Ёш

авлод тарбиясига ўз хиссасини қўшди. Беш фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказди. Ҳозир йигирмадан ортиқ невара, ўттиздан ортиқ чеваранинг сеvimли бобоси.

– Президентимизга минг раҳмат, бугунги оғир кунларда ҳам бизни ёддан чиқармади. Синовли кунлар тез ўтиб кетишига, юртимизда яна қувонч, қизғин ҳаёт жўш уришига ишонаман, – дейди Жобберган ота. – Туну кун дуо қиламан, тинчлигимизга қўз тегмасин, неварачевараларимиз уруш нималигини билмай яшасинлар.

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Нидо»

MUNOSABAT

ҲАМЖИҲАТ ХАЛҚ ЕНГИЛМАС

1980-йилларнинг боши. Тошкент. Уч-тўрт киши бир дўстимизнинг машинасида Жарариқ маҳалласидан ўтиб кетаётган эдик, ёниб кетган уйга кўзимиз тушиб, жим бўлиб қолдик. Уйдан қорайиб кетган деворларгина қолганини кўриб, хаёлимиздан ундаги ҳамма нарса куйиб қул бўлган бўлса керак деган фикр ўтди.

Орадан бир ҳафта вақт ўтиб, яна ўша томонга йўлим тушди. Бейхотиёр ёнган уйни эсладим. Аммо уй кўринмади. Ҳайрон бўлиб, уни кидира бошладим. Машинани бошқариб кетаётган ҳамроҳим аланлаганимни кўриб, нимани қидираётганимни сўради. Сабабини айтган эдим, машинани орқага бурди. Бир уй олдида ўтишда секинлашди-да, боши билан имо қилди. Очиғи, бу хонадонни кўриб, ўша уй эканига аввалига ишонмадим. Бир ҳафта олдин кўрганам харобадан асар ҳам йўқ эди. Ҳамроҳим шу маҳаллалик эди, айтиб берди. Бу хонадонда яна икки кундан кейин тўй бўлиши керак экан. Уйда ёнган бўлгач, ўша кунлик деярли бутун маҳалла ҳашар қилиб, иморатни қисқа фурсатда қайтадан кўтариб, томини ёпиб, эшик-ромларигача ўрнатиб, ҳеч нарса бўлмагандай қилиб қўйишди.

– Кўпчилик бор бўлсин, – деганди ўшанда ҳамроҳим. – Бир тишладан берса, тўйдиради, бир муштдан урса ўлдирди деган гап бежиз айтилмаган! Ҳа, ажойиб халқимиз бор-да!..

Мана энди, орадан қирк йилга яқин вақт ўтиб, ўшанда ҳамроҳим ҳақ гапни айтганига, халқимиз ҳақиқатан ҳам ажойиб, саховатпеша, эзгу амаллар қилиш борасида бошқа миллатларга ўхшамаслигига яна бир бор амин бўлиб турибман.

Беш қўл баробар эмас, орамизда камбағал, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар, мардикорлик билан

рўзгор тебратаетганлар бор. Бу кўринмас душман олдида дунёнинг энг қудратли давлатлари ҳам ожиз бўлиб, иктисодиёт оқсаган, йирик-йирик корхоналарда иш тўхтаганидан кейин, биринчи навбатда ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга осон бўлмаслигини вақтида ҳисобга олган Юртбошимизнинг фармонида мувофиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги муҳтож оилаларга озик-овқат етказиб беришни йўлга қўйди. Шу билан бирга, саховатпешалик фазилати олд планга чиқди. Кимдир имконияти, кимдир хизмати, яна кимдир маблағини эзгуликка йўналтириб, халқ дардига малҳам бўлишга интиляпти. Шунингдек, Президентимизнинг «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси тезда саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланди. Улар ночор аҳволга тушиб қолган минглаб оилаларга ёрдам қўлини чўздилар.

Карантин даврида вақт бемалол бўлгани учун ижтимоий тармоқларни кузатиш жараёнида дунё мамлакатларида инсон қадр-қиммати билан боғлиқ турли хабарларга кўзим тушиб, юртимизда инсон қадри улуглигига яна бир бор иймон келтирдим. Масалан, бир хабарда айтилишича, бир хориж давлатидаги касалхонага 80 ёшдан ошган кекса тушиб қолса, унинг тузалиши учун вақт ва дори-дармон кетказиш шарт эмаслиги ҳақида шифокорларга топшириқ берилибди. Бизда эса аксинча, 65 ёшдан юқори ва сурункали касали бор бўлганларга уйдан ташқарида чикмаслик тавсия этилди. Бошқа бир давлатда полиция карантинга риоя қилмаганларни резин таёқ билан калтаклади. Шукурки, бизда калтаклаш у ёқда турсин, қондабузарларга қўполроқ муомала ҳам қилинмаяпти. Яна бир давлатда ўзга мамлакатдан қайтарилиб, карантинга жойлаштириш учун олиб келинаётган ҳамюртларини қабул қилмаслик учун улар ўтирган автобуслар тош-бўрон қилинди.

Бизнинг юртимизда гарчи авиапарвозлар тўхтатилган бўлса-да, чартер рейслар орқали фуқароларимиз дунёнинг турли бурчакларидан олиб келинди. Карантин қондаларини бузганлар ҳақида эса асосан телевидение орқали хабар топаёلمиз. Шунда ҳам қондабузарларнинг исм-фамилияси, манзили, ҳатто юзи ҳам ошқора кўрсатилмай, шахс дахлсизлигига риоя қилинмоқда.

Буни карантин, кўзга кўринмас ёв билан курашда ғалаба қозонишимиз аён бўла бошлаганида янги синовга дуч келдик. 27 апрелдан 28 апрелга ўтар кечаси ёпирилиб келган бўрон туфайли кўхна Бухоро, хусусан, Қорақўл ва Олот туманлари аҳолисининг уй-жойига, мол-мулкига зарар етди. Қўшни вилоятларда ҳам электр, газ таъминотида узилишлар кузатилди. Давлатимиз раҳбари зудлик билан ушбу ҳудудларга бориб, ҳолат билан танишди. Талофатни бартараф этиш бўйича топшириқлар бериш асосида жамоатчилик вакиллари, нуронийлар билан учрашди, оғир дамда халқ билан бирга бўлди.

Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида юзга келган фавқулодда ҳодиса элимиз бошига тушган яна бир синов бўлди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз бирлашиб, сабр-матонат билан унинг оқибатларини бартараф этишга киришди. Сув босган қишлоқлар аҳолиси кўчирилди, бошпана ва озик-овқат билан таъминланди. Жабр кўрган юртдошларимизга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юборилган озик-овқат, кийим-кечак ва дори-дармон ортилган қарвонларнинг кети узилмапти. Бундай аҳиллик кийинчиликларни биргаликда, ҳамжиҳатликда енгишимизга мустаҳкам асос бўлади деб бемалол айтишимиз мумкин. Зеро, куч-қудратимиз аҳиллигимиз ва ҳамжиҳатлигимиздадир!

Ғофуржон АЛИМОВ,
«Нидо»

ЧИРОҚЧИЛИК ЖОНГУЛ МОМОНИНГ ҚЎШ ЖОНИ

БЕРЛИН ЙЎЛЛАРИДА ҚОЛИБ КЕТДИ...

Бугун ер юзидаги тараққийпарвар халқлар немис фашистлари устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини кенг нишонламоқда.

Дунёни қайта бўлиб олиш учун 1914 йилнинг 28 июлида бошланган Биринчи жаҳон уруши 1918 йилнинг ноябрига қадар давом этган бўлса, 1939 йилнинг сентябридан Европа қитъасида яна уруш олови ёқилди...

1941 йилнинг 22 июнида эса фашистлар Собиқ Совет иттифоқига бостириб кирди ва бу уруш 1945 йилнинг 9 майда Германиянинг мағлубияти билан тугади. Не-не қурбонлар, мислсиз жабру жафолар эвазига қўлга киритилган бу ғалабанинг аҳамияти бекиёс.

Беш қитъа, етмиш беш давлат ва ер юзи аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган Иккинчи жаҳон уруши 60 миллиондан ортиқ кишининг ёстигини қуритди.

Инсоният бошига улкан мусибат ва вайронгарчиликлар олиб келган уруш Ўзбекистондан олисда кетган, қулоқларимизга бомбалар портлаши, жангтоҳлардаги отишмалар саси эшитилмаган бўлса-да, юртимизда унинг мудҳиш алами, қайғуси кириб бормаган хонадон қолмаган ҳисоби. Орадан йиллар ўтса-да унинг асоратлари ҳамон қалбларни азоблайди. Урушда Қашқадарё вилоятидан 46 788 киши бевосита қатнашган. Уларнинг 24 716 нафари жангтоҳларда ҳалок бўлган. Қанчадан-қанчаси бедарак кетган ёки майиб-мажруҳ бўлиб уйига қайтган.

РЎЗГОРИДАН ОРТТИРИБ, ФРОНТГА САМОЛЁТ ЖЎНАТГАН АЁЛЛАР

Уруш йилларида фронт ортида меҳнат қилганларга ҳам осон бўлмаган. Ишга яроқли аҳолининг асосий қисми фронтга сафарбар этилган бўлиб, завод-фабрикалар, корхона ва станоклардаги иш ҳамда даланинг оғир юмушлари аёллар ва болалар гарданига тушган. Шундай қийин шароитда ҳам 1941-1945 йилларда қашқадарёликлар фронт учун 158 650 тонна пахта, 17 млн.

669 минг пуд галла, 15563,4 тонна гўшт, шунингдек, қорақўл тери, пилла, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотларни етказиб берган. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида очилган ҳарбий госпиталларда 14 мингдан ортиқ аскар даволаниб, яна фронтга жўнаб кетган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон фронтга 2258 та жанговар самолёт етказиб берган. Бунда ҳам қашқадарёликларнинг ҳиссаси бор, албатта.

Очарчилик туфайли халқимизнинг ўзи оч-юпун бўлса-да, қонли уруш кетаётган жойлардан кўчирилган қариялар, аёллар ва болаларга иссиқ бағридан жой бериб, борини улар билан баҳам кўрган.

МОМОН ЧЕККАН ИЗТИРОБ

«Мотамсаро она» хайкалини зиёрат қилишга борганимда ёки унинг олдидан ўтганимда кўз олдимда раҳматли момон гавдаланади. Бобом кишлоқнинг имоми бўлган. Ўша пайтдаги райком биринчи секретарининг тазйиқи билан бобом қулоқ қилиб юборилган. Моммага бобомнинг тақдирини номаълум бўлгани етмагандай эндигина муйлаби сабза урган ўғиллари – Эшмирза ва Раҳматуллани ҳам фронтга кузатган. Уларнинг омон қайтишини тилаб, кеча-ю кундуз дуода бўлди.

Қорахат... Бу бир парча қоғоз не-не кўзларни ёшлантирмаган, не-не кўнглиларга айрилиқ азобини солмаган, қанчадан-қанча ота-оналарни фарзанд доғида қуйдирмаган дейсиз. Эшмирза тоғамдан қорахат келганида момон раҳматли ишонмаган ва умр бўйи бунга ишонмади. Раҳматулла тоғамдан эса қорахат ҳам келмаган. У бедарак кетган. «Эрим ҳам, ўғилларим ҳам тирик, улар албатта келади» деган умид умрининг сўнгги лаҳзаларигача момонни тарқ этмади. У шу умид билан умрининг охиригача ёлғиз яшади. Ҳар лаҳза эшикка кўз тикди. Айрилиқ кўзларидаги нурни, белидаги қувватни олса-да, бир зум ҳам умидсизланмади, қутишдан чарчамади. Ҳаётининг сўнгги лаҳзасигача кўзини эшикдан узмади. Бир умрлик хижрон, бир умрлик айрилиқни енгиси учун буюқ қалб эгаси бўлиш керак назаримда. Ўйлаб қолсан киши, шу эмасми буюқ садоқат?!

УРУШНИНГ ГУЛУ ЧЕЧАГИ, МУСИҚАСИДА ХАМ ПОРОХ ХИДИ БОР

Афсусланадиган томони шундаки, урушда нафақат одамлар, балки тили йўқ дов-дараклар, дарёлар, тоғу унгулар ҳам, бир умр инсон оёқ қўймаган қияликлар, эсан чиқиб кетган сўқмоқлар ҳам, парранда-ю даррандалар ҳам қатнашади. Улар ҳам инсондек жароҳатланади, сафдан чиқади, бир умр ногирон бўлиб қолади. Демак, урушнинг дахшату машаққатини фақат одамлар эмас, балки бутун мавжудот тортади, унинг оғирлигини елкасида кўтаради, қалбида ҳис этади. Уруш пайтнинг гулу чечагидангина эмас, махзун мусиқасидан, ашуласидан ҳам порох хиди келади.

Биз урушда ғалаба қозондик деймиз. Аслида урушда мағлублар ҳам, голиблар ҳам бўлмайди. У келтирган дахшатли фожиялар асрлар оша одамлар қалбини ларзага солади. Демак, у биз учун жуда қимматга тушган ғалаба.

ТАРИХИЙ ХОТИРА ИНСОННИ КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ БИЛАН БОҒЛАЙДИ

Бугун одам оёғида маҳкам туриши учун кечаги кундан хабардор бўлмоғи лозим. Шунингдек, ҳар бир халқ кечаги ҳаётидан, оғир ва машаққатли кунларидан ҳулоса чиқармоғи даркор. Чунки тарихий хотира инсонни, миллатни келажакка элтувчи йўллар билан боғлайди, бугунги кун муаммоларини ҳал этишда, тараққиёт режаларини белгилашда, босиб ўтилган узоқ ва машаққатли йўл сабоқларидан тўғри ҳулоса чиқаришда буюқ қўлланма вазифасини ўтайди.

Миллатнинг, у мансуб бўлган жаҳоннинг равнақи аждодлар хотирасига бўлган эҳтиромдан, бугун биз билан ёнма-ён яшаётган, ватаннинг бир фарзанди сифатида фидойилик кўрсатаётган инсонларни қадрлашдан бошланади.

Инсоннинг ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтганларни хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажагини порлоқ кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамisha уйғоқ бўлмоғи шарт.

Чунки хотира бизни беғамлик, бепарволик уйқусидан уйғотади, ғафлату ғурбат ботқоғига ботиб кетмаслигимиз учун бонг уради. Шу боис 9 май юртимизда хотирани улугулаган кун сифатида қадрлидир. Бу кун – урушга нафрат, тинчликка шукрона айтиш куни. Бу катта бир халқнинг улуг хотираси билан боғлиқ айём. Энг ноёб фазилат – кадр билан боғлиқ сана бу! Бу байрамнинг ўзига ҳослиги ҳам ана шунда.

Норбўта ГОЗИЕВ,
«НУҚУ»



ҲИСОБЧИНИ «ҚАРОҚЧИ» УРДИ

Ҳар бир киши зиммасидаги вазифани фуқаролик бурчидан келиб чиқиб, виждонан бажариши лозим. Агар у бу масъулиятни чуқур ҳис қилиб, чин юракдан адо этса бу билан Ватан равнақиға, фарзандлари тарбиясига муносиб ҳисса қўшган бўлади.

Республика миқёсидаги даргоҳлардан бирида бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келган Анвар Салимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нафсига қўлоқ тутиб, ана шу бурчини унутди. Масъулият ҳисси уни тарк этгач эса, жиноятга қўл урди.

Ҳаммаси 2019 йил 8-13 январь кунлари Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ёшлар» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши соврини учун мусобақалар ташкил этилиши белгиланиб, бу ҳақда 2018 йил декабрь ойида марказий кенгаш мутасаддиларининг буйруқлари чиқарилганидан бошланади. Унга кўра мазкур вилоятлар Халқ таълими бошқармалари тизимидаги мактабларнинг ўқувчилари ўртасида спортнинг волейбол, баскетбол, гандбол ва стол теннис каби турлари бўйича вилоят биринчилиги ўтказилиши белгиланади ҳамда бу мусобақаларни ўтказиш учун сарфланадиган маблағнинг таъдиқланган смета асосида молиялаштирилиши учун бош ҳисобчи Анвар Салимов масъул этиб тайинланади.

Шу боис А.Салимов Ўзбекистон товар-хонашёр биржаси давлат харидлари дастурининг эълонлар бўлимига мусобақада қатнашадиган ўқувчилар учун 2019 йил 8-12 январь кунлари уч маҳал иссиқ овқат тайёрлаб, етказиб бериш ҳақидаги маълумотларни киритади. Ушбу эълонга асосан бир қатор хўжалик юритувчи субъектлардан электрон тарзда тижорий таклифлар келиб тушади. Мазкур таклифлар марказий кенгаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, улар орасидан энг мақбули, яъни нисбатан арзон нарх таклиф этган «Qualified

konstruktion» МЧЖ танлаб олинади. Танловда мазкур жамият ютиб чиқишининг бошқа сабаби ҳам бор эди. Буни куйида билиб оласиз.

Хуллас, икки томон келишгач, марказий кенгаш билан «Qualified konstruktion» МЧЖ ўртасида иссиқ овқат тайёрлаб бериш тўғрисида 242,64 млн. сўмлик шартнома имзоланади ҳамда ҳали мусобақалар бошланмасдан туриб жамиятнинг ҳисобрақамига шартнома киймати тўлиқ ўтказиб берилди. Аслида олдиндан 15 фоизи тўланиши лозим эди.

Хўш, нега ҳисобчи ҳисобдан адашди? Шу ерда бу жамиятнинг танловда ютиб чиқиши-ю, бош ҳисобчи нима учун шартнома пулини тўлиқ ўтказиб берганининг сабабини очиқлаш вақти келди. Маълум бўлишича, танлов ўтказилиши арафасида ўзини «Qualified konstruktion» МЧЖнинг мутасаддиларидан бири Шухрат деган шахс келиб, Анвар Салимовга учрашади ва мазкур жамиятга ўтказиладиган маблағнинг 85 фоизини нақдлаштириб бериши мумкинлигини билдиради. Шунча пулнинг дарагини эшитган ҳисобчи эса текин пишлок фақат қопқонда бўлишини эсидан чиқариб, бу таклифга бажонидил рози бўлади. Шоша-пиша ҳужжатларини расмийлаштиришга киришади. Кейин нима бўлганидан юқорида хабардор бўлдингиз.

Айтмоқчи, жамият мутасаддиси Шухрат қолганини ҳам яқин кунларда етказилиши айтиб, аванс тариқасида Анвар Салимовга 25 млн. сўм беради-да, ғойиб бўлади. Бу томонда мусобақа вақти яқинлашади. Анвар Шухратни кидиришни бошлайди, мазкур жамият



шартномада кўрсатилган юридик манзил бўйича фаолият кўрсатмаслигини билганида эса эс-хушидан айрилаёзди. Ўйлай-ўйлай, йўлини топди. Сирдарё вилоятида ўтказилиши керак бўлган мусобақаларга масъул шахсга учрашади. Унга мусобақа иштирокчиларини овқат билан таъминлаш мажбуриятини олган «Qualified konstruktion» МЧЖда текширув ўтказилаётгани туфайли ҳисобрақами ёпиб қўйилгани ҳақидаги уйдирмани ўйлаб топади ва «ўқувчиларни овқатсиз қолдирмаслик керак, бирор йўлини қиларсиз» дея 4 млн. сўм пул беради. На-чора, мусобақага масъул шахс у берган пулга ошпаз ёллаб, ўқувчиларни икки кун тушлик вақтида иссиқ овқат билан таъминлашнинг уйдирмасидан чиқади. Пойтахтга қайтиб келганидан кейин Анвар Салимов ундан ҳол сўраш баҳонасида олдиға кириб, яна кўзбўямачилик қилади. Аллақандай ҳужжатни беради ва бу «Qualified konstruktion» МЧЖдан пулни қайтариб олиш учун кераклигини айтиб, имзо қўйиб беришини сўрайди. Аслида эса ушбу ҳужжат истеъмол қилинмаган иссиқ овқат учун юк хати бўлиб, ёлгонни хаспўшлаш учун тайёрланган эди.

Анвар Салимов Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам деярли шундай йўл тутди. Худди юқоридаги каби МЧЖдаги текширувни баҳона қилиб, мазкур вилоятлардаги тадбирларга масъул шахсга

10 млн. сўм тутказди. Биргина Қашқадарёдаги мусобақа уч кунга мўлжалланган бўлса-да, овқат ҳам тайёрланмай, бир кунда ўтказилади. Яқунда эса Анвар Салимов ҳужжатларга яна сохта маълумот киритади.

Охир-оқибат мазкур ҳолат юзасидан «Qualified konstruktion» МЧЖ мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиди ва алоҳида иш юритувига ажратилиб, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этмиш учун жал қилинган шахсларга нисбатан кидирув эълон қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди томонидан мазкур жиноят иши батафсил ўрганиб чиқилди. Фуқаровий даъвогар ариза билан мурожаат қилиб, ҳозир Анвар Салимов томонидан етказилган моддий зарарнинг унга алоқадор қисми тўлиқ қоплангани боис унга нисбатан даъвоси йўқлиги, моддий зарарнинг қолган қисмини МЧЖнинг мансабдорларига онд жиноят иши бўйича айбдор шахслардан ундиришни сўрагани эътиборга олинди, унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Саидқарим МУХТОРОВ,
Юнусобод тумани прокурорининг ўринбосари

QONUNCHILIKDA YANGILIK

АҲОЛИГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЕР АЖРАТИЛАДИ

Жорий йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сув захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартларда ажратиш бериш тартиби белгиланди.

Унга кўра, туман ҳокимлиги фойдаланишга киритилган ер майдонларини:

— деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача деҳқон хўжалиги юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача муддатга ижарага беради;

— тажриба синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шarti билан 5 гектаргача бўлган ер майдон-

ларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади.

Ажратилган ер майдонларида сув тежовчи технологиялар қўлланади ва устувор равишда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинлар экилади ва боғ, тоқзорлар барпо этилади.

Ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара харажатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорларга ердан фойдаланиш муддатини узайтиришда устуворлик ҳуқуқи берилади.

Ушбу қарор доирасида бериладиган ер майдонларида энгил конструкцияли дала шийпон ва суғориш иншоотларини жойлаштиришга ружсат берилади, бошқа турдаги, шу жумладан турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман қилинади.



Шунингдек, қарорга кўра, қишлоқ хўжалиги кооперацияларида иштирок этадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар тоифасига кирувчи ҳар бир оила парранда боккан даври (40 кун) учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча 500 минг сўмдан рағбатлантирилади.

Ўз мухбиримиз

НАТИЖА БЕРМАГАН «ОПЕРАЦИЯ»

Умид Муродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир вақтлар уйга муҳтож бўлганида Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва турар жойлардан фойдаланиш давлат корхонасидан вақтинча фойдаланиш учун Алпомиш кўчаси 5-б уй, 5-хонадонни ордер асосида олган эди. Орадан йиллар ўтиб, сотиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, уйини сотмоқчи бўлди. Дарров харидор ҳам топила қолди. У бу борада ўйлаб қўйган «операция»си иш беришдан умидвор эди.

– Мен бу уйни уй қилгунча қанча ҳаражат қилганман. Ҳеч бўлмаса шу ҳаражатларимни қоплайдиган пул беришингиз керак-да.

– Қанча сўраяпсиз?

– 6500 АҚШ доллари.

– Менда бунча пул йўқ, аммо уйга муҳтожман. Кейин бу уйларни сотиш мумкин эмас шекилли?

– Айтаяпман-ку, мен бу уйни таъмирлаш учун ҳаражат қилганман.

Сухбат якунидаги келишувга биноан 2019 йил 24 февралда харидор 100 доллар берди.

2019 йил 1 март куни У.Муродовнинг уйига онаси билан келган харидор ўзи билан қолган 6400 долларни ҳам олиб келди. Умид танишининг машинасида банкка бориб, долларнинг ҳақиқий эканини текшириб кўрди. Шундан кейин у Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва турар жойлардан фойдаланиш давлат корхонасига келди. У ерда Ҳаким исмли йигит орқали номда бўлган уй ордерини М.Ш.га ўтказиб беришини айтиб, харидорни

ишонтирмоқчи бўлди. Аммо у айтгандек бўлмади. Таниши бу ишни қила олмаслигини билдирди. Бу ишни махсус комиссия кўриб чиқишини айтди. 6400 долларни чўнтакка уриб кетишга чоғланган фирбгар қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинди.

Суд ҳукмига биноан айбдор деб топилган У. Муродовга 20 млн. 273 минг сўм жарима жазоси тайинланди.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими катта суриштирувчиси



ВАЪДА БАЖАРИЛМАДИ

Бугун айрим кимсалар одамларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, чўнтагини қаппайтириш дарди билан яшамоқда. Уларнинг тўрига илинмаслик учун фуқароларимиз ҳушёр бўлмоғи, юзага келган муаммоларни қонуний ҳал қилишга одатланмоғи шарт.

– Судда зўр танишларим ишлайди, «права»нгизни муддатидан олдин тиклаттириб бераман. Икки юз доллар бўлади...

Фуқаро Т.А. Р.Р.га шундай ваъда берди. Р.Р. бироз ўйланиб турди-да, бир қарорга келди.

Нишон тумани йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими биноси олдидан учрашишди. Берувчи берди, олувчи олди. Ваъдалар яна қуюқ бўлди. Аммо... бажарилмади. Т.А. жиноят устида қўлга олинди. Чунки Р.Р. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага вақтида хабар бериб қўйганди.

Суд ҳукми билан Т.А.га қилмишига яраша жазо тайинланди.

Умид Жўраев,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

MUNOSABAT

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ

Давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, бу борада инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Давлат бошқарувида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг кафолатлари мамлакат Конституциясида белгиланган. Хусусан, унинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамят ва фуқаролар олдига масъулдирлар» дейилган. Бундан ташқари, Конституциянинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўзғаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади...» деб кўрсатилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон сифатида белгиланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, давлат органлари ва ташки-

лотларнинг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётганига, кадрлар малакасининг юқлатилган вазифаларга номувофиқлигига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг пастлигига олиб келаётган бир қатор тизимли камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, давлат фуқаролик хизмати, шу жумладан, номзодларни очиқ танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солувчи, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилувчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун мавжуд эмас.

Давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг йўқлиги давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришга, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл қўймапти.

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятдан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган шаффоф механизм шакллантирилмаган.

Шунингдек, аҳоли, айниқса ёшлар

орасида барча даражадаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмиётчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида хизматчиларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чоралари жорий этилмаган.

Қайд қилинган масалаларни ҳал қилиш учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан изчил ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони давлат хизматини такомиллаштириш борасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Фармон билан касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ҳамда объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислох қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Шунингдек, фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди. Мазкур таш-

килот давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Фармонга мувофиқ, шунингдек, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунни, Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда давлат бошқарувида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг умумий жиҳатлари қуйидагилардан иборат деган хулосага келиш мумкин:

– давлат бошқарувида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда махсус давлат ташкилотлари фаолият кўрсатади;

– давлат бошқарувида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда давлат хизматчиларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилади;

– давлат бошқарувида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда маъмурий судларга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган;

– давлат бошқарувида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликка муҳим омил сифатида таъинланади.

Шоҳрух РАЖАБОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



FAOLIYATIDAN

«КАРАНТИНДА ҲЕЧ КИМ БИЛМАЙДИ»

Электр энергияси, табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва ҳақини вақтида тўлаш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир. Бироқ ана шу масъулиятни унутган, ҳатто электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келаётган истеъмолчилар ҳам учрамоқда.



Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва Пастдарғом тумани бўлими ходимлари томонидан Туркман маҳалласида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан тезкор тадбир ўтказилди.

Тадбирда аниқланишича, шу маҳаллада яшовчи Ю.Юлдошев 26,32 квадрат метр ерда иссиқхона ташкил этган. У таъминотчи корхонадан рухсатнома олмасдан, маҳалласини газ билан таъминловчи 426 диаметри кувурга 32 диаметри кувурни яширинча улаб, табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келган.

Оқибатда давлатга 81 млн. 183 минг сўмлик зарар етказгани сабабли Ю.Юлдошевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратурасига юборилган.

Яна бир ҳолатда Пастдарғом тумани Бахшибойи маҳалласида яшовчи З.Аҳмедов қорақоғоз ишлаб чиқариш цехи ташкил этгани аниқланди. У табиий газдан фойдаланиш мақсадида таъминотчи корхонадан рухсатнома олмасдан, Камолот маҳалласини газ билан таъминловчи 70 диаметри кувурга 40 диаметри кувурни ўзбошимчалик билан улаб, мазкур цехда битта иштиш қозонидан фойдаланиб келган. Оқибатда давлатга 122 млн. 625 минг сўмлик зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан бюронинг Пастдарғом тумани

бўлими томонидан З.Аҳмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ўтказилапти.

Олот туманида эса электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди. Денов қишлоғида яшовчи Н.Пиримкулов хонадонидан электр ҳисоблаш ускунасини четлаб ўтган ҳолда умумий фойдаланишдаги электр тармоғига яширинча улашиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келгани туфайли туман электр таъминоти корхонасига 8 млн. 296 минг 344 сўм зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан даълолтнома расмийлаштирилди. Етказилган зарар ундирилиб, Н.Пиримкуловга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Карантин даврида ҳеч ким

билмайди деб ўйлаган яна бир ҳуқуқбузарнинг устомонлиги узокқа чўзилмади. Гап шундаки, фуқаро Авазхон Позиловнинг Ўзбекистон тумани Наймансой қишлоғида жойлашган оҳақ цехида юқорида келтирилган қарор ижроси юзасидан текшириш ўтказилган. Аниқланишича, А.Позилов атиги икки кун олдин оҳақ ишлаб чиқаришга мўлжалланган иккита хумдонни ишга туширган ва синов тарикасида табиий газдан ҳеч қандай шартномасиз, ноқонуний фойдаланган. Оқибатда ҳуқуқбузар давлатга етказган 36 млн. сўм зарарни тўлашига тўғри келди.

Терговга қадар текширувда ўз ҳаракатининг ноқонунийлигини тушунган А.Позилов зарарни тўлиқ қоплаб берди ва жиноий жавобгарликдан қутулиб қолди.

Ҳамюртларимизга қонун талабларини тушунтириш бизнинг бурчимиздир. Аммо айрим фуқароларнинг бу талабларни тан олмаслиги, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйишини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди.

Сарварбек ЮНУСОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бошлиғи

САВОБ ИШНИНГ ЭРТА-КЕЧИ БЎЛМАЙДИ

Карантин шароитида хайр-саховат тадбирларининг янада кенг қўлмоқ ёйгани халқимизнинг меҳроқибати, муруввати ва савобталаблиғи ифодасидир.



Шундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўпиш мақсадида бюронинг Бахмал тумани бўлими ходимлари кўмакка муҳтож, камбағал оилаларга ёрдам кўрсатишни ният қилиб, туманда ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига мурожаат этишди.

Шундан сўнг марказ билан ҳамкорликда тумандаги 14 та муҳтож оиланинг ҳолидан хабар олинди, уларга 10 турдаги озиқ-овқатлар улашилди.

Шунингдек, олиб борилган тарғибот натижасида хомийлар томонидан тумандаги 25 та камбағал оиланинг коммунал тўловлардан 3 млн. 145 минг сўм қарзи тўлаб берилди.

Бу каби хайрия ишлари давом эттирилмоқда.

Худойберди ҚОДИРОВ,
МИБ Бахмал тумани бўлими бошлиғи

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва туман бўлиmlари ҳам халқимиз бошига тушган синовли кунларда савобли амалларда жонбозлик кўрсатмоқда. Биргина апрель ойи давомида камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига 104 млн. сўм миқдорида кўмак берилди.

Жумладан, 300 га яқин муҳтож оилага 24 млн. сўмлик озиқ-овқатлар етказиб берилди. 96 та камбағал оила ва ёлғиз кексаларнинг 25 млн. сўмдан зиёд коммунал тўловлари хомийлар томонидан тўланди. Бундан ташқари, саховатли тадбиркорларимиз томонидан ўтказилган жами 55 млн. сўм пул имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 200 нафар фуқаронинг бож ва со-

ликдан бўлган қарзини тўлашга йўналтирилди.

Албатта, бюро ходимлари ҳам шу юртнинг фарзанди. Уларнинг ҳам ота-онаси, оиласи, ўсиб келаётган болалари бор. Лекин ижтимоий тармоқларда баъзан МИБ ходимлари ҳақида ўта қўпол, нолайик сўзлар ёзилдики, ҳазм қилиш оғир бўлади. Шунда ҳам бюро ходимлари кайфиятни туширмай халқимизга хизмат

қилишда давом этадилар. Юртдошларимизнинг «Умрингдан барака топ, болам», «Яратганининг ўзи қўлласин» деган дуолари бизни савобли ишларга ундайди. Биз халқимиз билан биргамиз. Қийинчиликларни албатта енгамиз.

Марғуба АМОНОВА,
МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси қатта инспектори

ҚАРЗДОР ОТАЛАР алиментларни тўлаб берди

Бугунги қарздорлардан алимент ундириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ўз навбатида, қарздорларнинг масъулиятини ошириш ҳам жуда муҳим.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2015 йил 16 январдаги ҳал қилув қарорига асосан фуқаро С.Ҳайдаровдан фуқаро М.Ҳайдаровага битта фарзанди учун алимент ундириш белгиланган.

Бюронинг Наманган тумани бўлими давлат ижрочиси қарздорга карантин даврида ҳам вояга етмаган фарзанди учун алимент тўлаб бориши кераклиги, бу унинг учун жуда муҳимлигини тушунтирди. Албатта, тарғибот самара берди. Масъулиятни анлаган ота карантинда уйда қолаётган фарзандининг моддий таъминоти учун 10 млн. сўм тўлаб берди.

Наманган туманида истиқомат қилувчи Қ.Каримовдан ҳам О.Шерматовга вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати бўйича олиб борилган тарғибот натижасида қарздор ота 1 млн. 200 минг сўм алимент пулини тўлаб берди. Бундан ташқари, О.Шерматовга бюронинг Наманган тумани бўлими томонидан озиқ-овқатлар ҳам берилди.

Яна шуни қайд этиш жоизки, мазкур йўналишда олиб борилган тарғибот натижасида Н.Дадахўжасв К.Акмаловага 5 млн. 400 минг сўм, Р.Ғаффаров У.Сиддиқовага 12 млн. сўм алимент тўлади.

Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ,
МИБ Наманган тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари



Қашқадарё — «яшил» ҳудуд. Қаршида шахсий автомобиллар ҳаракати ва таксилар қатновига рухсат берилди.

7-MAY 2020-Y.
HUGUB № 18
(1215)

9



ШЕРЙИГИТ, ШАЙТОНГА ҲАЙ БЕР, ЙИГИТ!

Раҳим (исмлар ўзгартирилган) чўпонлик қилиб рўзғор тебратди. Икки ой аввал кўшниси Камол ўнта эчкисини боқиб беришини сўрагани. Раҳим ҳар бирини 15 000 сўмдан боқиб беришга рози бўлди. Лекин ой тугаса ҳам Камол чўпоннинг иш ҳақини берай демади.

Бир куни у Камолнинг саккизта эчкисини ҳайдаб борди.

— Сизга ўнта эчки берганмиз-ку? Қолган иккитаси қани? — деди Камолнинг ўғли Жамол.

— Иккитаси уйимда. Иш ҳақимни берсаларинг оласизлар, — деб кетди Раҳим.

Бу гапларни эшитган Камол Раҳимнинг ортидан борди.

Улар Раҳимникида бақиришиб қолди.

Шерйигит уларнинг ён кўшниси бўлади. У бақир-чақирни эшитиб Раҳимникига келди. Шерйигит билан Камол азалдан ер таллашиб, келишолмай қолган. Унинг келиб, орага суқилиши Камолга ёқмади. «Сен аралашма» деб бир мушт урди. Чўпон қолиб, улар уришиб кетди. Раҳим уларни ажратиб, уй-уйига жўнатди. Шерйигит уйига кирди, лекин ўтиролмади. Мушт егани алам қилиб, уйдан отилиб чиқиб, Камолни қувиб етди. Дастлаб бурнига уриб қонатди. Устидаги чопонини ечиб, унинг бошига

ўради, ерга йиқитиб дуч келган жойига уриб ташлади. Шерйигитга икки ўғли ҳам қарашиб юборишди. Камол оғриқдан бақира бошлади. Эчкиларига қараб юрган Жамол овозни эшитиб шу томонга югурди. У келиши билан Шерйигит ўғилларини олиб кетиб қолди. Жамол отасини қўлидан тутиб уйига олиб кетди.

Камол шифохонада ётиб, даволаниб чиқди.

Суд мажлисида Камол кўшниси Шерйигит кечирим сўраб, шифохона харажатларини қоплаб берса ярашишга рози эканини, ҳозирги қунда судланувчига нисбатан даъвоси борлигини, унга нисбатан оқилона жазо тайинланганини сўради.

Шерйигитнинг газабини жиловлай олмгани 10 миллион сўмдан ошқикқа тушди. У жарима тўлади.

Хуришд ТУРОНОВ,
Жомбой тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

МУДҲИШ ТУН

Ушбу жиноят тўрт йил илгари юз берган эди. Ёз ойида Жумабой Аннақулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ваҳшийларча ўлдириб кетилган, мурдаси ўз уйдан топилган.

Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари воқеа жойини кўздан ўтказар экан, энг аввало хона ичида марҳумнинг қонга беланган жасади ва тартибсизликнинг гувоҳи бўлишди. Бу ҳолатлар жиноятнинг спиртли ичимлик таъсирида, ўта шафқатсизлик билан содир этилганидан далолат беради.

Ха, Жумабой Аннақулов ёлғиз яшар эди. Шу боис у қайси бир танишини чақириб, шаробхўрлик қилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ёши бир жойга бориб қолган қариянинг ўлими кимга керак бўлди? Наҳотки у кимнидир қаттиқ ранжитиб қўйиб, ўздан мана шу даражада қасос олишга мажбур қилган бўлса?

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТОПИЛДИ

Хуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари зудлик билан шу каби саволларга жавоб топишга киришишди. Дастлаб марҳумнинг охириги пайтлар кимлар билан борди-келди қилгани, кимлар билан чиқишолмай қолгани, хуллас, унинг ўлимига боғлиқ бўлиш эҳтимоли бўлган барча ҳолатлар ўрганиб чиқилди. Ниҳоят қидирув самара берди. Яъни, мудҳиш жиноят содир этиладиган кеча марҳумнинг уйига шу туманда яшовчи Мухтар Есбергенов ва Азиз Қаипназаровларнинг келгани маълум бўлди.

Табиийки, улар гумондор сифатида дарҳол қўлга олиниб, сўроқ қилинди. Қизиги шундаки, гумондорлар ўзларига берилган саволларга жавоб қайтаришар экан, уларнинг олдидан келишиб олгани сезилиб қолади. Чунки улар саволларга жавоб қайтарар экан, тез-тез адашиб қолаётганини сезмай ҳам қоларди. Гоҳида эса бирининг кўрсатмаси иккинчисиникига умуман тўғри келмас эди. Бу ҳолатлар уларга нисбатан уйғонган шубҳаларни янаям оширарди. Хуллас, савол-жавобларда анча қийналиб қолган гумондорлар охири ўша мудҳиш тунда қўл урган жиноятига тўлиқ иқроор бўлишдан бошқа илож топишолмади. Тақдирга тан бериб, ҳаммасини ипидан игнасиғача сўзлаб беришга мажбур бўлди.

ЖИНОЯТ ҚАНДАЙ СОДИР БЎЛДИ?

Инсон ҳаёти билан боғлиқ ушбу ўта оғир жиноят содир этиладиган куни Мухтар Есбергенов таниши Азиз Қаипназаров билан спиртли ичимлик ичади ва маст бўлади. Кайфи ошган йигитлар уйларига қайтиб, дамини олса ҳам бўларди. Аммо улар ярим тунда ичкиликбозликни давом эттириш мақсадида шу овулда яшовчи Жумабой аканинг уйига боради. Бу ерда ҳам машагини давом эттириб, бўлар-бўлмас гаплар билан ёши ўзларидан анча катта бўлган уй эгасининг жигига тега бошлади. Бир пайт Мухтар Жумабой академ негадир Курьон китобини топиб беришни сўрайди. Мезбон эса меҳмонга спиртли ичимлик ичиб ўтиргани боис Курьонни бермаслигини айтади. Қариянинг мана шу гапига жаҳл қилган Мухтар кутилмаганда Ж.Аннақуловнинг кўкрагига муштлаб йиқитади. Уриб, тегиб хушидан кетказди. Точкада турган лезвияни олиб, унинг бўйинини бир неча марта тилиб ташлайди. Ваҳший махлукка айланган Мухтар оёқларини қимирлатаётган мезбоннинг ҳали ўлмаганини сезиб, шериги Азизга пичоқ топиб келишини буюради. Аммо у пичоқ тополмай темир қошиқ олиб келади. Мухтар қошиқни ишга солади.

Жиноятчилар қариянинг ўлганига ишонч ҳосил қилганидан кейин унга тегишли бўлган 1 млн. 500 минг сўмлик кийим-кечак, гилам, телефон каби нарсаларни олиб, воқеа жойидан қочиб кетади.

ЖАЗО

Жиноят жазосиз қолмайди. Мухтар Есбергенов ва Азиз Қаипназаровнинг жинояти ҳам терговда ўз тасдиғини топди. Ушбу қотиллик бўйича қўзғатилган жиноят иши суд томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилиб, жиноятчиларнинг ҳар бири узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
«Нидо»

ҚУЛУПНАЙЗОРДАГИ ОҒУ

Кафтдеккина томорқа бир рўзғорни боқшини тажрибали томорқачилар аллақачон исботлаб қўйишган. Бунинг учун салгина тер тўкиш керак. Яккабоғда ҳам томорқасини гуллашиб қўядиган уста деҳқонлар кўп. Қаҳрамонимиз ҳам улардан ибрат олиши мумкин эди. Аммо...

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судининг сайёр суд мажлисида Абдуҷаббор Ҳамидовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят иши кўрилди.

Судланувчи 1965 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. Яккабоғ туманида яшайди.

Бундан олти йил муқаддам Абдуҷаббор уйига кириб келган лўлилардан наша уруғи сотиб олди. Ўтган йили эрта баҳорда у уйдаги қулупнай экинни орасига шу уруғни экди ва меҳр билан парваришлай бошлади.

Авжи саратонда дарвозасини кимдир қокди. Ҳовлига кириб келган ички ишлар ходимлари тадбир ўтказишга тгани, унинг хонадонини ҳам кўздан кечи-

ришлари зарурлигини айтишди. Зимдан қулупнайзорга қараган Абдуҷабборнинг ичини ит тирнай бошлади...

Ички ишлар ходимлари тезда қулупнай ичидаги оғунни топиб келтиришди.

Судга оид кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра Абдуҷаббор Ҳамидовнинг ҳовлисидан ҳужжатлаштириб олинган нашанинг қуритилган ҳолатдаги соф оғирлиги 4,7 грамм эканлиги аниқланди.

Суд мажлисида Абдуҷаббор Ҳамидов нашани ўзи истеъмол қилиш мақсадида ўстиргани, асло сотиш нияти бўлмагани, қилмишидан пушаймонлигини маълум қилди. Аммо экспертиза хулосасига кўра унинг наркотик модда истеъмол қилмаслиги ва бу борада даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланди.

Суд Абдуҷаббор Ҳамидовга жазо тайинлашда унинг айбиغا иқроор ва пушаймонлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, илгари судланмаганини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблади. Уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келди.

Суд ҳукмига кўра Абдуҷаббор Ҳамидовга бир йил озодликни қечлаш жазоси тайинланди.

Алишер МИРЗОЕВ,
Қарши тумани прокурори



МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустақамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, Бош прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг Хўжабод тумани бўлими бошлиғи, прокуратура фахрийси Комилжон Давлатов табарруқ 60 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги 28 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали меҳнат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга маъсулият билан ёндашди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик

каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Комилжон Давлатовнинг узок йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Хурматли Комилжон Набиевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сўхат-саломатлик, хондонингизга файзу барака тилаймиз!

Мажбурий ижро бюросининг Андижон вилояти бошқармаси жамоаси

TAHLIL

ВАСИЯТНОМА ВА МЕРОС ҲУҚУҚИ

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига мувофиқ фуқаронинг ўзига тегишли мулкни ёки бу мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вақил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Мамлакатимиз фуқаролари ижтимоий ҳолати, миллати, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар тенг бўлиб, қонун бўйича меросхўрларнинг меросдан оладиган улуши тенг ҳисобланади. Қонда тарикасида қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мерос мулк, мулкрий ҳуқуқлар ва барча мажбуриятлар ворисларга ўзгартирилмаган ва бус-бутун ҳолда, бир вақтда универсал ҳуқуқни қабул қилиш сифатида ўтади.

Васиятномада васият бўйича ворис меросдан воз кечганда ёки васият қилувчидан аввал вафот этганда бошқа шахс ундан қилинган ворис бўлиши белги-ланган бўлса, дастлабки ворис меросдан воз кечган тақдирда кейинги ворис мерос мулк, мулкрий ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилишга ҳақли бўлади.

Шахс ҳаётлигида мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ёки ҳаля шартномалари орқали тасарруф қилиши мумкин бўлса, вафот этганда ҳуқуқ лаёқати тугагач, унинг номидан шартномалар тузиш ҳам мумкин эмас. Марҳумнинг мулк меросхўрларга фақат мерос бўлиб ўтади, ҳолос.

Ворислик институти ҳар бир шахсга ҳаёти давомида орттирган ва интеллектуал фаолияти натижасида яратган барча мулк-лари, мажбуриятлари ўзининг вафотидан кейин унинг хоҳишига кўра кўрсатилган ворисга, агар мулкни кимга қолдириш

ҳақида ҳеч қандай хоҳиш билдирмаган бўлса, қонун бўйича унинг энг яқин қариндошларига ўтишини кафолатлайди.

Баъзи ҳолатларда шахс мерос қолдиришни унчалик истаман бўлса ҳам мерос қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда мажбурий улуш олувчилар ёки меҳнатта қобилиятсиз бокимандаларга ўтади.


Мерос ҳуқуқи субъектлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, муайян шартларга жавоб бериши керак. Қондага кўра ҳуқуқий субъект деганда субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга сифатида ҳаракат қила оладиган жисмоний шахслар, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари тушунилади.

Фуқаролик кодексининг 208-моддасига кўра фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади. Фуқаролар мерос, васият орқали, шунингдек бошқа битимлар орқали мулкрий ҳуқуққа эга бўлишлари мумкин.

Бунда васиятнома алоҳида аҳамият касб этиб, ҳар бир фуқаро қонун ёки васият асосида мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни мерос қилиб олишга ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, қонунда васият бўйича меросхўр бўлиши ман қилинган шахслар рўйхати белгиланмаган.

Аммо амалдаги қонуларимизда маълум бир чекловлар ўрнатилганини пайкаш мумкин. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда ворис, шу жумладан, васият бўйича ворис этиб тайинланган шахс ҳам суднинг



ҳал қилув қарори билан нолойик меросхўр деб топилиб, мерос олишдан четлаштирилиши мумкин. Мерос қолдирувчининг ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан биронтасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Нолойик меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлаштириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкрий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади. Ушбу қондалар васият мажбуриятига нисбатан ҳам қўланади. Бу ҳар қандай меросхўрга, шу жумладан, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

Меросхўрларнинг ҳуқуқий мақоми Фуқаролик кодексининг 1118-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва

мерос очилгандан кейин тирик тутилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасига асосан мерос қолдирувчи билан қариндош ва унинг қарамоғида бўлган меҳнатта қобилиятсиз шахслар кирса, васият бўйича меросхўрларни тайинлаш мерос қолдирувчининг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва фақатгина унинг хоҳиши билан эркин танланади.

Шундай қилиб, ворислик ҳуқуқи жамиятнинг ҳар бир аъзосига мулклари, мулкрий ҳуқуқ ва мажбуриятлари васият ёки қонун бўйича мерос бўлиб ўтиши кафолатланганини тушуинган ҳолда яшаш ва ишлаш имконини беради.

Фаррух ТОШНАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори
Абдулазиз ХУСАНОВ,
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

КЕЛГУСИ
СОНДА

**ПЕНСИЯДАГИ
ИИБ ХОДИМИ
ФИРИБГАРЛИККА
ҚЎЛ УРДИ.**

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. — tijorat materiali.

Buyurtma v-4133.
18 695 nusxada bosildi.
Ong'oz bichini A-3. hajmi 3 hosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriliv va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **U.DEXKANOV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Заҳид Қараевга падари бузруквори **Собит отаниров** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош прокуратура ҳузурдаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Илхом Бобоназаровга падари бузруквори

Садридин БОБОНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шу кунларда ўзбек гилосининг илк жўнатмаси Россияга муваффақиятли экспорт қилинган. Бу ҳақда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги матбуот котиби "EastFruit"га асосланиб хабар берди.



Ғалаба паради бекор қилинмайди

Беларусь президенти Александр Лукашенко мамлакатда 9 май – Ғалаба куні муносабати билан ўтказиладиган парад коронавирус пандемияси туфайли қолдирилмаслигини маълум қилди. Шунингдек, у россиялик депутат ва сенаторларнинг парадга келмоқчилигини билдирди, бироқ айнан қайси амалдорлар келишига аниқлик киритмади. Бу ҳақда «Коммерсантъ» хабар қилди.

«Шуни айтишим мумкинки, биз парадни бекор қила олмаймиз. Шунчаки, бунинг илложи йўқ. Бу ҳақда узоқ ўйладим. Албатта, бу эмоционал, чуқур мафкуравий жараён. Одамлар нима дейиши ҳақида бир ўйлаб кўринг. Эҳтимол, бугун гапиршмас, бир кундан кейин ёки икки кундан сўнг бизнинг кўрканимиз ҳақида гаплар бўлади», – деган Лукашенко раҳбарлар иштирокида ўтказилган йиғилишда. У Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси ҳақида гапириб, улар ҳам вирусдан ўлган бўлиши мумкинлигини таъкидлади ва беларуслик минглаб одамлар тadbирни ўтказиш тарафдори эканлигини билдирди.

Беларусь раҳбари оммавий тadbирга ҳеч ким, жумладан, парад бўлишини биринчилардан бўлиб хоҳлаган уруш

ветеранлари ҳам мажбурлаб олиб келинмаслиги кераклигини қайд этди.

Беларусь Европа ҳудудида карантин ва бошқа чекловлар қўлланмаган кам сонли мамлакатлардан бири. Александр Лукашенко бошқа давлатларда жорий этилган чекловларни бир неча марта танқид қилган. Аммо мамлакат аҳолиси кундан кунга карантин чоралари кўрилмагани нотўғри бўлганига ишониб бормоқда. 29 апрелда ўтказилган ижтимоий сўровда иштирокчиларнинг 65 фоизи Беларусда коронавирусга қарши қатъий карантин чоралари кўрилиши кераклигига овоз берган.

Эслатиб ўтамиз, Россияда 2020 йил 9 май куні ўтказилиши лозим бўлган ғалаба паради коронавирус эпидемияси туфайли қолдирилган.

Вафот этган футболчи тирик экан

2016 йилдан бери ўлган дея ҳисобланган «Шальке-04» клубининг собиқ футболчиси Хуанник Камба тирик ҳолда топилди.



Тўрт йил аввал автохалокат туфайли ўлган деб келинган 33 ёшли Камба Гельзенкирхенда яшайди. Футболчининг собиқ хотини унинг «ўлими» ортидан бир неча юз минг евро миқдорда сугурта пули олган. Прокуратура ишни ўрганмоқда. Камба ва унинг собиқ хотини сугурта борасидаги фирибгарликда гумон қилинмоқда.

Камба «Шальке-04» клуби тарбияланувчиси ҳисобланади, у Гельзенкирхен клубининг ёшлар жамоасида ўйнаган. Асосий таркибда ўйнай олмагани сабаб 2008-2015 йиллар давомида Германиянинг куйи дивизиондаги клублар шарафини химоя қилган.

Футбол қондасида ўзгариш

Халқаро футбол ассоциациялари кенгаши (ХФАК) ўйинчи алмаштиришлар сонини вақтинча бештагача оширишга рухсат беришни режалаштирмоқда.



Маълумотларга қараганда, ўйин давомида учта бўлимлар оралиғида эса иккита футболчини алмаштириш мумкин бўлади.

«ФИФА ва ХФАК мусобақалар қайта тикланганидан кейин футболга қай тариха ёрдам бериш мумкинлигини ўрганиб чиқди. Ҳозир ФИФА билан биргаликда «Ўйинчилар» деб номланган 3-қондан юмшатиш борасида таклиф тайёрлапмиз. Мақсадимиз – қарор қабул қилишни тезлаштириш. Бу нарса расман тасдиқланганидан сўнг яқин кунларда батафсил маълумот берамиз», – дея баёнот тарқатди ХФАК.

«Сити» самолёти пандемияга қарши

«Шаҳарликлар»нинг самолёти коронавирус билан касалланганлар учун керакли озиқ-овқат ва бошқа юкларни ташиydi. Хабарларга кўра, у яқинда Судандан БААга 24 тонна гўшт етказиб берган.

Эслатиб ўтамиз, «Манчестер Сити» самолёти ноёб дизайнга эга. У жамоатчиликка ўтган йилнинг октябр ойида таништирилган эди.

Хитой коронавирус ҳақидаги маълумотларни яширганми?

АҚШ расмийларининг фикрича, Хитой дори-дармон ва химоя воситаларини тўплаб олиш учун коронавируснинг тарқалиш қўламини ва хавфи ҳақидаги маълумотларни яшириб келган. Бу ҳақда АҚШ Ички хавфсизлик вазирлиги ҳисоботида таяниб, «Associated Press» хабар бермоқда.

Хужжатда айтилишича, Хитой коронавируснинг хавфини камайтириб кўрсатган ҳолда тиббий буюмлар олиб чиқиб кетилишини қисқартириб, импортни оширган. Хитой ҳукумати эса экспорт чекловлари борлигини инкор этиб, ўзининг савдо-сотнига оид маълумотларни беришни кечиктирган ҳамда уни чалкаштириб, яширишга уринган.

Шунингдек, Хитой январь ойи давомида коронавирус хавфини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан яшириб, химоя никоблари, жароҳлик халатлари ва қўлқоплар импортни кўпайтирган.

Таъкидланишича, ушбу ҳисобот пандемия бошланганда Хитойда импорт ва экспортнинг ғайритабиий ўзгарганини таҳлил қилиш асосида тузилган. АҚШ разведкаси маълумотларига кўра, Хитойнинг импорт ва экспортдаги ўзгаришлар 95 фоиз эҳтимол билан нормадан ошиб кетган.

Аввалроқ АҚШ президенти Дональд Трамп Пекинни коронавирусга оид фактларни яширгани учун жавобгарликка тортишга ваъда берганди. Миссури штати бош прокурори эса коронавирус сабаб Хитойни судга берганди. Ғарб махсус хизматлари Хитойни коронавирусга оид далилларни йўқ қилишда айблади.

Айни пайтда дунё бўйича коронавирус билан касалланганлар сони 3,5 миллион кишидан ошган.



D витамини етишмовчилиги сабаб...

Айрим давлатларда коронавирус инфекцияси оқибатида кузатилаётган ўлимнинг кўпчилиги витамин, жумладан, D витамини етишмовчилиги сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда қиролича Елизавета жамғармаси касалхонаси ва Шарқий Англия университети олимларининг тадқиқотлари асосида «Research Square» журналида мақола чоп этилган.

Олимлар «Covid-19»дан вафот этиш статистикасини Европа аҳолисида ўртача витамин даражаси билан солиштирган ва ушбу кўрсаткичлар бир-бирига яқинлиги аниқланган.

Улар бошқа илмий ишларга асосланиб Италия фукарларининг вужудида ўртача 28 наномоль/литр, испанларда эса ўртача 26 наномоль/литр D витамини бўлишини аниқлаган. Бунда киши организмда 30 наномоль/литр кузатилса ҳам витамин етишмовчилиги қайд қилинади. Олимлар Скандинавия давлатларида яшовчи аҳолининг организмда ўртача 45 наномоль/литр D витамини борлигини таъкидлаган.

Шунингдек, тадқиқотчилар кексаларнинг кўп вафот этаётганига эътибор қаратган. Швейцарияда қариялар уйида яшовчи кексаларда D витамини 23 наномоль/литрга етмайди, Италияда эса 70 ёшдан ошган аёлларнинг 76 фоизда D витамини етишмайди.

Олимларнинг хулосасига кўра, «SARS-CoV-2» коронавирус инфекциясига қарши курашда беморларга D ви-

таминини юбориш яхши самара бериши мумкин.

«Назаримда бу методик жихатдан нотўғри усул, мамлакатдаги D витамини бўйича статистикани олиб касалланганлар билан солиштиришган. Қутилмаган тасодифлар бўлишининг эҳтимоли жуда кам. Менимча тадқиқот методик жихатдан нотўғри», – дейди Россия клиник экспериментал тиббиёт институти илмий ходими, вирусология профессори Александр Чепурнов.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қайд этишича, айрим тадқиқотлар D витаминини қабул қилиш одамнинг нафас йўлларида кузатиладиган инфекцияларни даволашда самара беради. ЖССТнинг кўшимча қилишича, ушбу витамин етишмовчилиги бутун дунёда мавжуд. D витамини иммуномодулятор ҳисобланади ва тузма иммунитетни кучайтириб, сулак безларидаги химоя қатламларини мустаҳкамлайди. Шу сабабли моддалар етишмовчилиги иммун тизимига таъсир қилиши мумкин.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди